



Ishonch

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri // Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqqan boshlagan // www.ishonch-doverie.uz // e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz



ТОШКЕНТ ШАХРИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Санаят, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси томонидан «Ўзбекистонда электротехника саноатининг ривожланиши: ҳолати ва истиқболлари» мавзусида анжуман ўтказилди.

Тадбир иштирокчилари «Арте» компаниялар гуруҳи корхоналаридаги ишлаб чиқариш жараёنлари билан танишди. Бу ерда «Арте» ва «Santipur» бренди остида совутич, музлаткич, қар ювувчи машиналари, бутловчи қисмлар ва қadoқлаш маҳсулотлари ишлаб чиқаришда Анжуманда электротехника саноатига доир қонунчилик базаси ва кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, тармоққа замонавий корпоратив бошқарув усуллари жорий этишни жадаллаштириш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

Тошкент вилоятида «Ўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!» шiori остида «Мустақиллик — энг олий ноъмат!» мавзусида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Маънавий тарихот маркази, вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда шоир ва ёзувчилар, санъаткорлар, маънавий тарихотчилари, педагоглар ва ёшлар иштирок этди.

НАВОИЙ ВИЛОЯТИ

Навоийда Ўзбекистон Республикаси Табиати муҳофазаси қилиш давлат қўмитаси томонидан «Салбий экологик оқибатларнинг олдини олиш мақсадида давлат экологик экспертизасидан ўтказиш» мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.

Давра суҳбатида мажбур қонунчиликка асосан давлат экологик экспертизасини ўтказиш тартиб-қоидалари, унинг объектлари ва турлари каби масалалар ҳақида тушунчалар берилди.

Ў.А

Ўшларга оид давлат сиёсати — амалда

25 Касбидан камол топаётган ёшлар

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 25 йиллиги

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси кенгаши томонидан Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллигига бағишланган «Энг яхши ёш ишчи касб эгаси» танлови якунланди.



Мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида ёшларга беқилс гамаҳурлик кўрсатиб келинмоқда. Бинобарин, уларни буюк аждодларимизга муносиб, ҳеч қандам кам бўлмаган, билимли, ижодий-интеллектуал салоҳияти юксак инсонлар қилиб voyга етказиш масаласи давлатимиз сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бири этиб белгиланган.

Касба уюшмалари Федерацияси кенгашининг «Ёш ишчи кадрларни тайёрлашга ва уларнинг малакасини оширишга қўмаклашиш» лойиҳаси доирасида ilk мартаба ўтказилаётган «Энг яхши ёш ишчи касб эгаси» танловида бу яна бир бор намоён бўлди.

«Ўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо,

Ўзбекистоним!» шiori остида ўтказилаётган мазкур танловдан кўзланган мақсад — иқтидорли ёш мутахассисларни аниқлаш, уларнинг касб маҳорати ва билим даражасини ошириш учун зарур шароитларни яратишдир. Ўшбу танловда корхона, ташкилот ва муассасаларнинг 25 ёшгача бўлган ишчи мутахассислари ҳамда касб-хунар коллежлари битирувчилари иштирок этишди.

Танловнинг куйи босқичларида 2,5 мингга яқин йигит-қиз қатнашди. Улар пайвандлаш, қишлоқ хўжалиги машина ва жиҳозларига хизмат кўрсатиш, улардан фойдаланиш ва таъмирлаш, қурилиш-пардозлаш ишлари, умумий қурилиш устаси, тикувчилик, тикув буюмлари ишлаб чиқариш, сартарошлик, косметология, ошпазлик каби кўплаб соҳаларда ўзлари эришган ютуқ ва маҳоратини намойиш этди. Танловнинг ҳудудий босқичлари якунларига кўра голиб деб топилган 84 нафар ёш мазкур лойиҳанинг мамлакат босқичида қатнашиш имконига эга бўлди.

Қуни кеча «Энг яхши ёш ишчи касб эгаси» танловининг сўнгги — «Сартарошлик ва декоратив косметика устаси», «Ошпаз», «Тикув ва тикув буюмлари ишлаб чиқариш техник-технолог» номинациялари бўйича беллашувлари бўлиб ўтди. Унда иштирокчиларнинг билим ва маҳоратлари назарий (тест саволлари) ва амалий (касбий-амалий топшириқлар) синовдан ўтказилди.

➤(2).

Рағбат — юксак марралар сари чорлайди

Мамлакатимизда ёшларни ҳар томонлама етуқ инсон қилиб тарбиялаш ва кўллаб-қувватлаш масаласига қаратилган жиддий эътибор ҳар жабҳада ўз самарасини бермоқда.

1991 йилнинг ноябр ойида «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши юртимизда ёшлар ҳуқуқларини барча соҳаларда ҳимоя қилиш борасида тегишли ташкилий-ҳуқуқий асосларини тўла шакллантирган бўлса, Юртбошимизнинг 2014 йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори, ҳар йили қабул қилиб келинаётган ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар Дастурлари ёшлари манфаатларини таъминлаш ишларини янада юқори босқичга олиб чиқди.

Натижада, республикаимизда дунёқараш кенг, замонавий билимларни пухта эгаллаган янги авлодни тарбиялаш учун мустаҳкам пойдевор яратилди. Эндиликда олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларидан етишиб чиқаётган мутахассислар жаҳон майдонида ҳам энг юксак марраларни эгалламоқда. Кези келганда юртимизда бошқа мамлакатларда учрамайдиган тажриба — ёшларнинг илм-фан, касб-хунар сирларини пухта эгаллашлари ва иш билан таъминланишлари учун яратиб берилган шарт-шароитлар ва имкониятларни алоҳида эътироф этиш зарур.

➤(2).

2016 йил — Соғлом она ва бола йили

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Кенгаши келажакимиз эгалларининг соғлом ва маънан баркамол бўлиб voyга етишлари, мазмунли ҳордиқ чиқаришлари учун кўплаб хайрли ишларни амалга оширмоқда. Жумладан, оромгоҳларда болаларнинг вақтини тўғри тақсимлаш, уларни жисмонан чиниқтириш, маънан баркамол этиб тарбиялаш мақсадида янги чора-тадбирларга қўл урилмоқда.

«Қуёшли»да «Кичик Олимпиада»



Сўлим Чимён тоғлари бағрида жойлашган «Қуёшли» болалар оромгоҳида олиб борилаётган ишлар билан танишар экансиз, фикримизнинг ҳақиқат эканлигига ишонч ҳосил қиласиз. Замонавий талаблар асосида қурилган ва йилдан-йилга чирой очиб бораётган бу оромгоҳ болаларнинг сеvimли масканига айланиб улгургани ҳақиқат. Масканга кириб боришингиз билан қатор, тартиб билан экилган анвойи гулларга кўзингиз тушади. Саранжом-саристалик ва озодаликни кўриб, баҳри дилингиз очилади. Чунки, бу масканда аҳил ва фидойи жамоа фаолият кўрсатмоқда.

Бир неча йиллардан бери оромгоҳда Тошкент шаҳар касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши, Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг пойтахтимиз филиали, Маданият ва спорт ишлари бош башқармаси ҳамкорлигида оромгоҳлараро спартакиада уюшқоқлик билан ташкил этилмоқда.

➤(4).

Учрашув

Юрт тинч, кўнгил хотиржам бўлса

ЎЗКУФК тасарруфидаги «Чинобод» сихатгоҳида «Ishonch» ва «Ishonch-Doverie» газеталари тахририяти ҳамда дам олиш маскани ҳаммурияти ҳамкорлигида «Ким эдигу, ким бўлди?» мавзусида суҳбат, шунингдек ташкил этилган танловлар голибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.



Мамлакатимизнинг турли вилоятларидан келган дам олувчилар билан тўлган сихатгоҳ амфитеатрида тахририят Бош муҳаррири Уринбосарлари Зайниддин Рихсиев ва Тимур Мамажонов йиғилганларга тахририят фаолияти, мақола ва хабарлар тайёрланиш жараёни, бунда, аввало, муштарийларнинг хоҳиш-истаклари, фикр-мулоҳазалари инobatта олиниши ҳақида гапирди. Мулоқот асоси мамлакатимизда ўтган давр мобайнида амалга оширилган оламшумул ўзгаришлар ва ютуқлар тилга олинди. Юртимизда тинчлик,

ошойишталикка қаратилган эътибор, аҳолининг турмуш даражасини муттасил ошириб боришга йўналтирилган ислохотлар жаҳон ҳамжамияти томонидан ҳам эътироф этилаётгани таъкидланди. Жорий йилнинг Соғлом она ва бола йили деб аталгани тиббиёт ходимлари, касба уюшмалари, жумладан, мазкур сихатгоҳ ходимларига алоҳида масъулият юклагани, саъй-ҳаракатлар натижасида кўплаб ютуқларга эришилганига эътибор қаратилди.

➤(4).



Билимлар синалган палла

>> 3



Муваффақият гарови

>> 3

Касбидан камол топаётган ёшлар



№(1).

Кўрсатилган натижаларга кўра, «Сартарошлик ва декоратив косметика устаси» йўналиши бўйича Урганч маиший хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежи ўқувчиси Мадина Қадамбоева 1-, Денов хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежи ўқувчиси Марғуба Раҳматулина 2- ва Андижон 2-Маиший хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежи ўқувчиси Раҳматилла Раҳмонжонов 3-ўринни эгаллади.

«Ошпаз» номинациясида наманганлик Толиб Абдуллаев 1-, навоийлик Азиза Хотамова 2- ва чирчиқлик Зилола Жўраева 3-ўринга лойиқ кўрилган бўлса, «Тикув ва тикув буюмлари ишлаб чиқариш техник-технолог» йўналишида Навбахор туман Енгилсаноат касб-хунар коллежи ўқувчиси Диёра Қажҳорова 1-, Хонқа қурилиш ва хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежи ўқувчиси Махсуда Рўзиметова 2- ҳамда Андижон Маиший хизмат касб-хунар коллежи ўқувчиси Мафтуна Мўйдинхонова 3-ўринни банд этди.

Ҳолибларга Ўзбекистон касаб ва уюшмалари Федерацияси кенгашининг дипломи ва эсдалик совғалари топширилди.

Давронбек ОРИПОВ,
«Ishonch» мухбири



Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА,
Ўзбекистон касаб ва уюшмалари Федерацияси
Кенгаши Матбуот хизмати раҳбари

№(1).

Давлатимиз раҳбарининг деярли барча тадбирлар, йирик анжуманлардаги ёшларимиз фаолияти, улар эришаётган ютуқлар ҳақида фахр ва гурур билан сўзлашлари ҳам кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликнинг ёрқин намунаси.

Турли касб-хунарларни эгаллаб, ишчи касбларида меҳнат қилаётган ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида жорий йилдан бошлаб Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси томонидан илк мартаба «Энг яхши ёш ишчи касб эгаси» танлови ўтказилиши йўлга қўйилди. Чунки давр нафақат қўлни, балки ақлни ҳам зийраклик билан ишлатишни талаб этмоқда. Мазкур танлов ҳам ана шу гоёни илгари сурган ҳолда ишчи-касбларни янада такомиллаштириш, ёшлар қатламини унга кенгроқ жалб этишни кўзда тутаётди.

Шу ўринда таъкидлаш зарурки, иқтидорли ёш мутахассисларни аниқлаш ва қўллаб-қувватлаш, уларнинг касбий маҳоратини ошириш, ўзлари танлаган касб-хунар сирларини пухта ўрганишга бўлган қизиқишини ошириш мақсадида Ўзбекистон касаб ва уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан «Ёш ишчи кадрларни тайёрлашга ва уларнинг малакасини оширишга кўмаклашиш» лойиҳасини амалга ошириш ташаббуси илгари сурилиб, мазкур лойиҳани бажариш учун жорий йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан давлат ижтимоий буюртмаси ажратилди.



Козим УЛМАСОВ олган суратлар.

Рағбат – юксак марралар сари чорлайди

Лойиҳани амалга ошириш учун Ўзбекистон касаб ва уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан Урта махсус, касб-хунар таълими маркази билан ҳамкорликда мамлакатимиз Мустақиллигининг 25 йиллигига бағишлаб «Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!» шиори остида 3 босқичда «Энг яхши ёш ишчи касб эгаси» танлови ўтказилди.

Танловнинг ҳар бир босқичида иштирокчилар 7 та, яъни: «Пайвандлаш ишлари (механик) техник», «Қишлоқ хўжалиги машина ва жиҳозларига хизмат кўрсатиш механиги», «Қурилиш-пардозлаш ишлари устаси», «Умумқурилиш ишлари устаси», «Тикув ва тикув-буюмлари ишлаб чиқариш техник-технолог», «Ошпаз», «Сартарошлик ва декоратив косметика устаси» номинациялари бўйича ўз маҳоратларини намойиш этишди.

Танлов иштирокчиларининг билим ва маҳорати 2 турда — назарий (соҳага доир тест саволлари) ҳамда амалий (касбий-амалий топшириқларни бажариш) синов шаклида ўтказилиб, ҳар бир номинация бўйича ғолиблар навбатдаги босқичда иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Мазкур танловнинг биринчи босқичи жорий йилнинг 13-18 июн кунлари туман (шаҳар)лар миқёсида ўтказилиб, уларда корхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнат қилаётган 2,5 минг нафарга яқин 25 ёшга бўлган ёш ишчи мутахассислар ҳамда касб-хунар коллежлари битирувчилари иштирок этди.

Танловнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри миқёсида жорий йилнинг 30 июн – 7 июл кунлари ташкил этилган ик-

кинчи босқичида жами 461 нафар ёш ишчи касб эгалари қатнашди. Жорий йилнинг 18-21 июл кунлари танловнинг якуний республика босқичи Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида ўтказилиб, унда ҳудудий босқич якунларига кўра, ғолиб бўлган 84 нафар ёш яна бир бор ўз имкониятини намойиш қилди. Жумладан: «Пайвандлаш ишлари (механик) техник» номинацияси бўйича республика босқичи Тошкент авиасозлик касб-хунар коллежидан, «Қишлоқ хўжалиги машина ва жиҳозларига хизмат кўрсатиш механиги» номинацияси бўйича республика босқичи Қибрай қишлоқ хўжалиги касб-хунар коллежидан, «Қурилиш-пардозлаш ишлари устаси» ҳамда «Умумқурилиш ишлари устаси» номинациялари бўйича республика босқичи Тошкент қурилиш коммунал касб-хунар коллежидан, «Тикув ва тикув-буюмлари ишлаб чиқариш техник-технолог» ҳамда «Сартарошлик ва декоратив косметика устаси» номинациялари бўйича республика босқичи 21 июл куни «Машхура» ўқув марказида, «Ошпаз» номинациясининг республика босқичи эса «Шухрат» ресторанида ўтказилди.

Танловнинг якуний босқичида ҳар бир номинация бўйича иштирокчилар, аввало, меҳнат муҳофазаси қондалари билан батафсил таништирилди. Сўнгра соҳага оид тест саволларига жавоб бериб, амалиётда ўз маҳоратларини намойиш этишди. Уларнинг билим савияси ва касбий тайёргарлиги ҳолисона баҳоланди. Ҳакамлар ҳайъати ҳулосасига кўра 1-, 2-, 3-ўринни қўлга киритган иштирокчилар махсус диплом ҳамда барча қатнашчилар эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Танлов ғолиблари жорий йилнинг 24 августидан

СЎЗ — ТАНЛОВ ҒОЛИБЛАРИГА:

Устозларимдан миннатдорман

Мадина ҚАДАМБОЕВА,
Урганч маиший хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежи ўқувчиси,
«Сартарошлик ва декоратив косметика устаси» йўналиши ғолиби



— «Энг яхши ёш ишчи касб эгаси» танлови мен ва тенгдошларим учун айни мудоа бўлмоқда. Муҳтарам Президентимиз ва давлатимиз томонидан яратиб берилётган мислсиз шарт-шароитлар имкониятимизни намойиш қилишимиз ҳамда устозлар сабоғини ҳаётга татбиқ этишимиз учун қўлай имкониятдир.

Танловнинг қўй босқичларидан ўтиб, республика босқичида етиб келишимиз ўзи, назаримда, қатта бахт. Устоз-мураббийларимдан олган сабоқларимни амалиётда қўллашга, ўзимнинг

Толиб АБДУЛЛАЕВ,
Наманган вилоятидаги «Замин элегант савдо сервис» МЧЖ ошпази



бор имкониятларимни ишга солишга ҳаракат қилдим ва якунда «Энг яхши ёш ишчи касб эгаси» танловининг «Ошпаз» номинацияси ғолибига айландим. Танловнинг адолат мезонлари остида ўтганини алоҳида таъкидлашни истардим. Олинган малакаларни янада бойитган ҳолда ўз устимда тинимсиз ишлашга, касб сир-асрорларини

пухта эгаллашга астойдил ҳаракат қиламан. Энг улуг, энг азиз байрамимиз — Мустақиллигимизнинг 25 йиллиги арафасида қўлга киритилган ушбу ютуқ гайратимга гайрат, ишжоятимга ишжоят қўйди. Мен бундан жуда ям бахтиёрман.

Албатта ишончини оқлайман!

— Минглаб ёшларни ўзида жамлаган ушбу танлов биз учун чинакамига маҳорат мактабига айланди ва айни пайтда ўз имкониятларимизни синовдан ўтказиб олдик. Муҳими, кўрсатилган ғамхўрлик ва эътибор бизни янада ишжоят билан ўқиб-ўрганиш ва изланишга чорламоқда.

Танловнинг «Сартарошлик ва декоратив косметика устаси», «Ошпаз», «Тикув ва тикув буюмлари ишлаб чиқариш техник-технолог» номинациялари бўйича Республика босқичида 39 нафар тенгдошларим қатнашди. Ушбу номинациялар бўйича туман (шаҳар) миқёсида 1133 нафар, ҳудудларда эса 200 нафарга яқин иштирокчи «Энг яхши ёш ишчи касб эгаси» танлови давомида меҳнат муҳофазаси қондалари билан яқиндан танишиб, шу йўналишга оид тест саволларига жавоб бердик. Назарий билимларимизни амалда қўлладик. Ушбу синовлар билим даражамизнинг ошишига ҳамда касбий маҳоратимизнинг ўсишига сабаб бўлди. Қолаверса, касбга оид маслаҳат ҳамда тавсиялар олдик.

Фурсатдан фойдаланиб, ғамхўрлик ва рағбат учун Юртбошимизга, танлов ташкилотчиларига, устоз-мураббийларимга миннатдорлик билдираман. Доимо уларнинг ишончини оқлашга, ўзимнинг янги ғояларим билан касбимга янгилик олиб киришга ҳаракат қиламан.



Диёра ҚАЖҲОРОВА,
Навбахор туман Енгилсаноат касб-хунар коллежи ўқувчиси

Маҳорат мактаби бўлди

— Ўзбекистон касаб ва уюшмалари Федерацияси ва бошқа қатор ташкилотлар томонидан ташкил этилган «Энг яхши ёш ишчи касб эгаси» танловининг «Тикув ва тикув буюмлари ишлаб чиқариш техник-технолог» йўналишида 1-

тенгдошларимнинг ишлари билан яқиндан танишиб, ўзимнинг ишланмаларимни улар билан ўртоқладим. Бу каби тадбирлар бизни янада жипслаштириб, бундан вақтимизнинг мазмунли ўтишига, «Оммавий маданият» деб аталмиш «усти ялтироқ, ичи қалтироқ» иллатларга қарши иммунитет ҳосил қилишимизга замин яратди, албатта. Истайманки, миллий либосларимиз дунё аҳлини ўзига мафтун қилсин, экспорт қўратимиз янада ортсин.

ЖАРАЁН

Абитуриент — 2016

Билимлар сиғалган палла

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2016/2017 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тўғрисида»ги қарори асосан бу йил олий таълим муассасаларининг бакалавриятга жами 57907 нафар талаба қабул қилинади.

Анъанага мувофиқ, бир неча кундан кейин, яъни 1 августда мамлакатимиздаги барча олий ўқув таълим муассасаларида тест синовлари ўтказилади. Шу кунги талаба бўлиш ораусидаги ёшларимизнинг билим ва тафаккури чинакамгина синовдан ўтади. Давлат тест маркази маълумотиغا кўра, бу йил олий таълим муассасаларига 663298 нафар абитуриент ҳужжат топширди. Бу эса ўтган йилги кўрсаткичдан 57462 нафарга кўпдир. Демак, абитуриентлардан ҳужжат қабул қилиш рекорди яна янгиланди.

Маълумки, тест синовлари, шунингдек, уларни ўтказиш тартибини белгилаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъҳамаси ҳузуридagi Давлат тест маркази томонидан амалга оширилади. Тест синовларини юксак савияда, белгиланган барча қоида ва меъёrlарга қатъий амал қилган ҳолда ўтказиш ташкил этилади. Тахририятга юртдошларимиздан келган жараён билан боғлиқ қўллаб-қувватловга жавоб топиш мақсадида муҳбиримиз Давлат тест маркази бўлим бошлиғи Қайом БОЙМИРОВ билан сўхбатлашди.

— Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларининг бакалаврият таълим йўналишларига қабул бўйича тест синовларига тайёргарлик қўришда қайси дарсликлардан фойдаланиш тавсия этилади?

— Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази томонидан таълим жараёнида қўлланмиш учун тавсия қилинган ва белгиланган тартибда нашр этилган дарсликлар, ўқув қўлланмалари мазмунидан тест синовлари давомида фойдаланиладиган умумтаълим фанларидан тест саволлари жағмармаси шакллантирилади ва улардан 1 август кунги ўтказиладиган тест синовларида фойдаланилади. Сир эмаски, сифатли дарслик ва ўқув қўлланмалари таълим самарадорлигини оширувчи асосий омиллардан саналади. Зеро, ўқувчи айнан дарсликлар орқали ўзлаштирилган мавзунинг доимий равишда мустаҳкамлаб бориш имконига эга бўлади. Бугунги кунда умумтаълим фанларидан барча талабаларга жавоб берадиган замонавий дарсликлар чоп этилган кунларни хол, албатта.

— Бу йил қандай янгилик ва ўзгаришлар бўлди ёки бўлади?

— Республикаимиздаги 13 та олий таълим муассасасида 18 та янги таълим йўналиши очилди ва улар бўйича қабул квоталари белгиланди. Уларга кўра, 2016-2017 ўқув йилидан бошлаб, Тошкент давлат техника университетида саккизта, Тошкент архитектура-қурилиш институтидида учта, Тошкент кимё-технология институтидида битта, Алишер Навоий номидаги Тошкент

давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида битта, Қарши муҳандислик-иқтисодий институтидида битта, Тошкент тиббий академиясида битта, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтидида битта, Тошкент давлат аграр университети, Тошкент давлат аграр университетининг Нукус филиали ва Андижон қишлоқ хўжалиғи институтидида иккита янги таълим

тавсия этилган етакчи мутахассислар томонидан умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар таълими умумтаълим фанлари Давлат таълим стандартлари, ўқув дастурлари ва амалда таълим жараёнида фойдаланиш учун тавсия этилган дарсликлар ҳамда ўқув қўлланмаларига мувофиқ ишлаб чиқилади.

— Олий ўқув юртлири таълим йўналишлари бўйича ҳужжат топширган абитуриентлар сонини қаердан билса бўлади?

— Давлат тест марказининг расмий веб-сайти — dtm.uzda онлайн тизимида олий ўқув юртлири таълим йўналишларига аризалар тушиши ҳақида

саси қабул комиссияси томонидан берилган рухсатнома билан келиши шарт. Борди-ю, абитуриент бошқа қўшимча нарсаларни аудиторияга олиб киришга ҳаракат қилса, ҳудуднинг ўзида тест синовларини ўтказиш тартибини бузган ҳисобланади ва тест синовларидан белгиланган тартибда четлатилади. Шунингдек, абитуриент томонидан топширилган ҳужжатларнинг қалбакилиги аниқланса, бу ҳолда ҳам тест синовларидан (олий таълим муассасасидан) четлаштирилади ҳамда ҳужжатлари ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига юборилади.

Тест синовларига абитуриентлар микрокалькулятор, лўғат, жадвал, китоб, уяли телефон, компьютер, телекоммуникация воситаси ва шпаргалка олиб кирганда, жараён давомида тест материалларини бошқа абитуриентга узатса, абитуриентларга ёрдам берса, саволлар китоби варақасини йиритса, тест синовларини ўтказиш тартибини бузган ҳисобланади ва четлатилома тузулиб, тест синовидан четлаштирилади.

— Тест материаллари билан ишлаш регламенти қандай?

— Аудиторияга абитуриентлар тўлиқ кириб бўлгандан кейин, соат 8:30 дан 9:00 гача уларга тест синовини ўтказиш, саволлар китоби ва жавоблар варақаси билан ишлаш тартиби ҳақида тушунтириш ишлари аудитория раҳбари томонидан олиб борилади. Бундан ташқари, тест материалларини тарқатиш, титул варақаси, саволлар китоби ва жавоблар варақасини тарқатиш ишлари бажарилади. Учта фан блоки бўйича (108 та савол) тест топширувчилик учун соат 9:00 дан 12:00 гача, иккита фан блоки (72 та савол)га 9:00 дан 11:00 гача тест саволлари билан ишлаш учун вақт белгиланган. Соат 12:00 дан 12:20 гача (иккита фан блокидан топширувчиларга 11:00 дан 11:20 гача) саволлар китобидан тўри деб танлаган жавобларни жавоблар варақасига кўчириш ва тегишли доирчаларни бўяш учун вақт ажратилади.

— Имтиҳон жавобларини тезкор ва аниқ чиқаришда янгича усуллар қўлланилмаётими, яъни, жавобларни билиш учун қанча куттиш лозим?

— Маълумки, тест тизими йил сайин такомиллашмоқда. Жумладан, тест натижаларини тезкор эълон қилиш боради ҳам ташкилий ишлар амалга оширилатир. Масалан, муддатли ҳарбий хизматдан бўлган ҳолда олий таълим муассасаларига кириш учун тавсияномалар олган ҳарбий хизматчилар, ижодий имтиҳон топширган абитуриентлар ҳақидаги маълумотларни олиш ёки абитуриентлар тўғрисидаги маълумотлар базасини шакллантириш онлайн тизимда бажарилиши, умуман, олий ўқув юртлири томонидан маълумотлар базасининг аниқ ва хатосиз берилиши, шунингдек, аудитория назоратчилари томонидан тест материалларининг хатосиз қабул қилиниши каби ҳолатлар тест натижаларининг тезкор чиқарилишига сабаб бўлади.

Синов натижалари таълим муассасаларига қабул бўйича Давлат комиссияси томонидан тасдиқлангандан кейин белгиланган тартибда эълон қилинади. Бундан ташқари, тест натижаларини абитуриентларимиз ахборот технологиялари ёрдамида интернет тизими ёки уяли алоқа воситалари орқали билишлари мумкин бўлади.

«Ishonch» мухбири Абдулатиф АБДУЛЛАЕВ сўхбатлашди.



йўналишлари бўйича талабалар қабули амалга оширилди.

Бу йил ҳам юртимизнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига ҳамоҳанг равишда янги йўналишлар очилган ва олий таълим олимлари тайёрлаш назарда тутилган. Масалан, қўймақорлик технологиялари, энергия машина-созлиги, мўқобил энергия манбалари, мехатроника ва робототехника, интеллектуал муҳандислик тизимлари, электрон аппаратлар ишлаб чиқариш технологияси, лазер технологиялари ва оптоэлектроника, биотехнология инженерияси, нефт-газни қайта ишлаш саноати объектларини лойиҳалаштириш ва қуриш, сув таъминоти ва канализация тизимларини лойиҳалаштириш ва эксплуатацияси, коммунал инфратузилма ҳамда уй-жой коммунал хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш, резинотехника буюмлари ишлаб чиқариш технологияси, ўзбек-инглиз таржима назарияси ва амалиёти, тиббий-биологик иш, санъатда анимациявий ва мультимедиявий лойиҳалаш, доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш технологияси, ўрмончилик ва ўрмон мелиорацияси бакалаврият таълим йўналишлари ҳисобланади...

— Тест топшириқларини ким ва нима асосида тузади?

— Тест синовларидида қўлланиладиган тест топшириқлари Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази ва Халқ таълими вазирлиги томонидан

тўлиқ маълумотлар тезкор бериб боришмоқда. Бунинг учун сайтнинг «Қабул — 2016» бўлимига мурожаат қилиш лозим. Бундан ташқари, ҳар кун қабул комиссиялари томонидан таълим йўналишлари, ўқитиш шакли ва тили бўйича таълим муассасасига топширилган ҳужжатлар сони, шу жумладан, фан олимпиадалари ғолиблари, ҳарбий ва бошқа имтиҳонга эга бўлган абитуриентлар ҳақидаги маълумотлар абитуриентлар ва ота-оналар эътибори учун эълон қилиб борилади.

— Қайси ҳолатларда абитуриент тест синовидан четлаштирилади?

— Олий ўқув юртлирида тест синовлари Вазирлар Маъҳамасининг 2010 йил 18 июндаги 118-сонли қарори билан тасдиқланган «Олий таълим муассасаларининг бакалавриятга талабаларини қабул қилиш тартиби тўғрисида»ги Низом», Адлия вазирлигида 2011 йил 8 июлда 2242-сон билан рўйхатдан ўтказилган «Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларининг бакалавриятга талабаларини қабул қилишда тест синовларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низом» асосида амалга оширилади. Ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан абитуриентлар, ота-оналар мукамал танишиб, белгиланган тартибларга риоя этишлари лозим. Жумладан, тест синовларига абитуриент фақат шахсини тасдиқловчи ҳужжати (паспорт ёки паспортга тенглаштирилган гувоҳнома), таълим муасса-

да импорт қилувчилар қонунга мувофиқ қўшимча қий-мат солиғидан эътиборини ҳисобга олиши, тақдир қўшимча қий-мат солиғи суммасига қўшиб ҳисобланган ҳолда баҳо-ланади.

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ ҚУРИЛИШ БЎЙИЧА «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ 2016 ЙИЛГА ҚУЙДАГИ ОБЪЕКТЛАР БЎЙИЧА ПУДРАТ ТАНЛОВ САВДОЛАРИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!

Барча қурилиш ташкилотлари раҳбарлари диққатига!
Объект номи:
Лот 23-2. Ширин шаҳар 110 ўринли 3-сонли мактабга таълим муассасасини қайта таъмирлаш. Бошланғич нархи — ҚҚС билан 331 314 679 сўм, ҚҚС сиз 276 095 566 сўм.
Қурилиш муддати: 135 кун.
Лот 24-2. Мирзаобод туманидаги 90 ўринли 1-сонли мактабга таълим муассасасини қайта таъмирлаш. Бошланғич нархи — ҚҚС билан 345 991 018 сўм, ҚҚС сиз 288 325 848 сўм.
Қурилиш муддати: 150 кун.
Қурилиш ишларини молиялаштириш: Маҳаллий бюджет ҳисобидан.
Буюртмачининг мақсади: Гулистон шаҳри, М.Ахтимова кўчаси, 30 №1.
Телефон: (0-367) 227-63-86, факс: (0-367)-227-63-86.
Талабдор сифатида қатнашаётган корхона ва ташкилотлар куниндаги талабдорга мурожаат қилганда ҳисоб рақамини танлов савдолари предмет қийматининг камида 20 % микдоридagi айланма маблағлари бўлиши,

ёки кўрсатиб ўтилган маблағга банк кафолатномаси бўлиши, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган мўҳлат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги, етказиб қилиш ва техникавий талаб, мўҳлат ва имкониятларга, шартнома тузиш қозонган фуқароларнинг муаммалар ҳақидаги алоқа ва тўқнаш ва тўқнашлар ва ишончли бўлишлари, ўқаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги бўлиши шарт.
Қурилиш-монтаж ишларини бажариш бўйича танлов (тендер) савдоларига фақат кўчма пудрат ташкилотлари реестрига киритилган ташкилотлар қўйилади.
Танлов савдолари фақат кичик бизнес субъектлари ўртасида ўтказилади.
Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл кўчма ташкилотлари ва фирмалари иштирок этганда, уларнинг танлов тақлифлари баҳоланганда мамлакатимиз пудратчиларини учун қуйдаги нарх преференциялари қўзда тутилган: танлов иштирокчиларининг тақлифларини баҳолаш жараёнида танлов тақлифларида четдан ишлар (хизматлар) киритилиши қўзда тутилган ва бун-

Энг улуғ, энг азиз

Мустақиллик шодиёналари олдида

Бугун Сурхон воҳасининг қайси гўшасида бўлманг, катта ҳажмдаги қурилиш, ободончилик ишлари гувоҳига айланасиз.

— Энг улуғ, энг азиз айём — Мустақиллик байрамининг 25 йиллик тантаналарини муносиб ўтказиш учун 2500 дан ортиқ бошланғич ташкилотимизнинг ҳар бири режа асосида қизгин фаолият кўрсатишти, — дейди Сурхондарё вилоят қасаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси А.Аҳмедов. — Аҳоли ўртасида Истиқлол буюк неъмат экани борасида жонли мулоқот ва сўхбатлар ўтказилиб, ободончилик ишларида фаол иштирок этилмоқда. Юртимизнинг улуғ байрами олдинда жейлардан истиқомат қилаётган кексалар ва имконияти чекланган шахслардан бир гуруҳига қулай шароит яратиш, уларни ёрдамчи ва реабилитация техник воситалари билан таъминлаш, шунингдек, «Қасаба уюшмалари — хотин-қизларга», «Қасаба уюшмалари — болаларга», «Қасаба уюшмалари — ёшларга» ҳамда «Қасаба уюшмалари — ҳарбийларга» акцияси доирасида қатор тадбирларни ўтказиш режалаштирилган. Бундан ташқари, ёлғиз ва ижтимоий ҳимояга муҳтож кексалар яшаётган оилаларнинг уйларини жорий таъмирлашга бегараз ёрдам кўрсатилади. Қасаба уюшмалари маблаг ҳисобидан 214 та электрмашиш техника жиҳозлари Термиз шаҳри ва барча туманларда бўлиб ўтаётган тадбирларда тарқатилди.

Маънавий-маърифий урчушув, адабий-бадиий кечалар ўтказиш мақсадида маънавият тарғиботчилари, адиб ва санъаткорлардан иборат учта маънавий-тарғибот гуруҳи жойларда тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб бораётир. Шундай учрашувлар Термиз шаҳри ва тумани, Ангор, Шеробод, Сарийосиб, Бойсун, Жарқўрғон туманларида бўлиб ўтди. Шундай учрашувларимиздан бири Ангор туманидаги «Навоний» ҚФЙ ҳудудидаги «Гиламбо 2», «Зартепа» ҳамда Қумқўрғон туманидаги «Янгиер» ва «Мустақиллик» маҳалла фуқаролар йиғинларида уюштирилди. Учрашув иштирокчилари «Истиқлол ва фуқаролар йиғини», «Ўзбекистоннинг 25 йил ичида босиб ўтган тараққиёт йўли», «Истиқлол ва ёшлар», «Ким эдинг, ким бўлдинг?», «Мустақилликни мустаҳкамлашда фахрийларнинг ўрни» мавзудидаги маърузаларни тинглади.

Рустам ДАВЛАТОВ, «Ishonch» мухбири

Семинар



Муваффақият гарови

Бухоро вилоят қасаба уюшма ташкилотлари бирлашмасида «Меҳнат шароитлари ва меҳнат муҳофазасини яхшилаш бўйича 2015 — 2016 йилларга мўлжалланган Ҳаракат дастури» доирасида «Меҳнат муҳофазаси ва саноат хавфсизлиги» мавзудида республика ўқув-семинари ташкил этилди.

Семинарда УзҚУФМ меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими мудирини Нодира Қаримованин «Меҳнатни муҳофаза қилишда жамоатчилик назорати» мавзудидаги маърузаси ва меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакил фаолиятига оид видеоорлик тутилганларда катта таассурот қолдирди. Шунингдек, «Қасб касалиқларининг замонавий ҳолати ва уларнинг профилактикаси», «Корхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнатни ташкил этиш» каби бир қатор долзарб масалалар юзасидан қилинган маърузалар, бирлашма кенгаши ҳузуридagi меҳнат муҳофазаси бўйича ўқув маркази фаолияти, қизгин савол-жавоблар семинар мазмун-моҳиятини янада оширди. Тадбирда сўз олганлар Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан тасдиқланган Ҳаракат дастури ва бирлашма томонидан имзоланган қўшма-тадбирлар режаси ижроси, ижтимоий ширеклар билан ўзаро ҳамкорликнинг шакл ҳамда услубларини такомиллаштириш юзасидан ўз муносабатларини билдирди. Ходимларга соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитларини яратиш, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш, бу борадаги ҳаракатларни қучайтиришда иш беворчулар ва қасаба уюшмалари ўртасидаги ҳамкорлик янгидан-янги ташаббусларга туртки бўлаётгани эътироф этилди. Ўқув-семинарда Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси ўринбосари Бахтиёр Махмадалиев қатнашди ва кун тартибидagi масала юзасидан қасаба уюшма ташкилотлари олдида турган долзарб вазифаларга атрофчила тўхталиб ўтди.

Иззатулла ҲОЖИЕВ, «Ishonch» мухбири

Реклама ва эълонлар

«TASHKENT REALTOR SERVICE» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш шаклида ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақлиф этади!

Очик аукцион савдосига фермер хўжалиғи ташкил этиш ва туман ҳокимлиги билан тўқнаш бўлган ҳуқуқ бўйича ижара шартномаси тузиш шарти билан туман захира ерлари ҳисобига олинган қуйидаги «Богзор» қўймақорлиқ:
1. Тошкент вилояти, Охангор тумани, «Дўстилик» ҚФЙ ҳудудида фаолият юритиётган «MADINA OHANGARON BOG'1» фермер хўжалиғи балансидаги 3,80 гектар ер майдонида жойлашган 2009 йилда экилган диаметри 7-8 см бўлган 300 тул тилос, 2016 йилда экилган диаметри 0,2-0,4 см бўлган 100 тул тилос, 2016 йилда экилган диаметри 0,2-0,4 см бўлган 250 тул тилос даракларидан иборат «Богзор», бошланғич баҳоси — 36 826 000 сўм.
2. Тошкент вилояти, Охангор тумани, «Дўстилик» ҚФЙ ҳудудида фаолият юритиётган «ВАНДОИЛБИСОН» фермер хўжалиғи билан-сидги 4,70 гектар ер майдонида жойлашган 2009 йилда экилган диаметри 7-8 см бўлган 400 тул тилос, 2016 йилда экилган диаметри 0,2-0,4 см бўлган 500 тул тилос даракларидан иборат «Богзор», бошланғич баҳоси — 33 331 000 сўм.
3. Тошкент вилояти, Қирғаб тумани, «Уюл» ҚФЙ ҳудудида фаолият юритиётган «НОМИНУДЖАМЕДОВ-НАСАН-НУСАНА БОС'1» фермер хўжалиғи балансидаги 2,80 гектар ер майдонида жойлашган 5 йиллик 235 тул ёғи олхўри, 6 йиллик 100 тул қирғиз олхўри, 5 йиллик 100 тул қора олхўри, 6 йиллик 77 тул семеренка олмаси, 5 йиллик 14 тул олча ва 6 йиллик 4 тул ўрик даракларидан иборат «Богзор» бошланғич баҳоси — 1 547 000 сўм.

Очик аукцион савдоси 2016 йил 22 август кун соат 11:00 да республика Биржа Маркази билан тўқнаш бўлиб ўтади. Аукцион савдоси шу кун билан бўлиб ўтган тақдирда тақририй савдолар 2016 йилнинг 6 ва 21 сентябрь кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аукцион савдосида иштирок этиш истагини билдирган шахслар «Заказалт пули тўғрисидаги келишувни» им имзолангандан сўнг, объект бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган микдордаги заказалт пулини «TASHKENT REALTOR SERVICE» МЧЖнинг «Илҳай» АИТБ Тошкент шаҳар Миробод филиалида 20208000804876496001 хисоб рақамига, МФО: 01101, СТИР: 301 743 808 бўлиши лозим.
Аукцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни топшириши керак:
— қуридан рўйхатдан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусخаси, ишончли вакил иштирок этганида кўни билан белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома.
— жисмоний шахслар учун — паспорт нусхаси, ишончли вакил иштирок этганида кўни билан белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома.
Маъмури ҳужжатлар эълон чоп этилган кундан бошлаб, жамиятнинг расмий иш кунуна соат 9:00 дан 16:00 гача Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-й, 1-қават, 16-қонда қабул қилинади ва савдолар бир кун олдин соат 16:00 да туҳтинланади.
Қўшимча маълумотларни realtor@ishonch.uz ёки 147-40-00 телефон рақами орқали олишигизга мумкин. Хизматлар лицензияланган. FIR — №0008.

2016 йил 22 август кунлари соат 11:00 да Термиз шаҳри, Ф.Хўжаев кўчаси, Тадбиркорлар Маркази биносида очик аукцион комиссияси иштирокчида мулкнинг бошланғич баҳоси қадам-бақадам ошиши тартибиди ўтказиладиган очик аукцион савдосига қуйидаги заргарлик буюмларни қуйилади:

- 1. «Qulay Kredit» масъулияти чекланган жамиятига тегишли бўлган: 9 дона заргарлик буюмлари: 1. 08.06.2016 йилдаги №4897-сонли иккит хатига асосан 1 та чепочка о.в 28,44 гр, 583 тамғали бошланғич баҳоси: 1 848 600 сўм.
- 2. 08.06.2016 йилдаги №4901-сонли иккит хатига асосан 1 та узук о.в 2,67 гр, 583 тамғали бошланғич баҳоси: 147 550 сўм.
- 3. 08.06.2016 йилдаги №4899-сонли иккит хатига асосан 3 жуфт сирга, 1 та узук, 1 та чепочка о.в 3,57 гр, ч.в 3,57 гр, 583 тамғали 1 та инчок узук о.в 1,01 гр ч.в 1,01 гр 583 тамғали бошланғич баҳоси: 1 212 900 сўм.
- 4. 08.06.2016 йилдаги №4900-сонли иккит хатига асосан 2 жуфт сирга, 1 жуфт сирга, о.в 9,34 гр, ч.в 7,34 гр 583 тамғали бошланғич баҳоси: 477 100 сўм.
- 5. 08.06.2016 йилдаги №4901-сонли иккит хатига асосан 1 жуфт сирга, 1 та узук, о.в 5,43 гр, ч.в 4,24 гр 583 тамғали бошланғич баҳоси: 275 600 сўм.
- 6. 08.06.2016 йилдаги №4902-сонли иккит хатига асосан 1 та узук, 1 жуфт сирга о.в 11,02 гр, ч.в 8,22 гр 583 тамғали бошланғич баҳоси: 534 300 сўм.
- 7. 08.06.2016 йилдаги №4903-сонли иккит хатига асосан 1 жуфт сирга, о.в 3,56 гр, ч.в 3,06 гр 583 тамғали бошланғич баҳоси: 198 900 сўм.
- 8. 08.06.2016 йилдаги №4904-сонли иккит хатига асосан 1 та чепочка, 1 та узук, о.в 5,10 гр, ч.в 5,00 гр 583 тамғали бошланғич баҳоси: 325 000 сўм.
- 9. 08.06.2016 йилдаги №4905-сонли иккит хатига асосан 2 та узук, 1 жуфт сирга о.в 13,66 гр, ч.в 10,66 гр 583 тамғали бошланғич баҳоси: 692 900 сўм.
- 10. 08.06.2016 йилдаги №4906-сонли иккит хатига асосан 1 та чепочка қуловчи, о.в 13,00 гр, ч.в 13,00 гр 583 тамғали бошланғич баҳоси: 845 000 сўм.
- 11. 08.06.2016 йилдаги №4907-сонли иккит хатига асосан 1 та браслет, 1 та инчок узук о.в 5,40 гр, ч.в 5,30 гр 583 тамғали 1 та узук о.в 2,15 гр ч.в 1,75 гр 583 тамғали бошланғич баҳоси: 458 250 сўм.
- 12. 08.06.2016 йилдаги №4908-сонли иккит хатига асосан 1 та браслет, 1 та узук о.в 4,97 гр, ч.в 4,87 гр 583 тамғали бошланғич баҳоси: 316 550 сўм.
- 13. 08.06.2016 йилдаги №4909-сонли иккит хатига асосан 1 та чепочка, о.в 3,57 гр, 583 тамғали узук о.в 2,33 гр, ч.в 11,33 гр 583 тамғали бошланғич баҳоси: 968 500 сўм.
- 14. 08.06.2016 йилдаги №4910-сонли иккит хатига асосан 1 та узук, 1 та чепочка (узилган) о.в 13,52 гр, ч.в 12,00 гр 583 тамғали бошланғич баҳоси: 780 000 сўм.

Барча хизматлар лицензияланган.

ОМОН БЎЛИНГ, МУШТАРИЙ

«Кўёшли»да «Кичик Олимпиада»

❧(1).
— Бундай мусобақаларнинг ташкил этилиши, болаларнинг янада соғлом бўлишида, уларнинг спортга бўлган қизиқиши орттиришида, соғлом турмуш тарзи тарғиботида катта ўрин тутди. 2016 йилга Президентимиз томонидан «Соғлом она ва бола йили» дея ном берилшидан, кўпчилик қатори биз ҳам хурсанд бўлдик. Бойси, фарзандлар соғлом ва чинққан бўлса, унча-мунча қийинчилик уларни енголмайди. Бу йилги спартакиада эса мустақиллигимизнинг 25 йиллигига бағишлаб ташкил этилди. Биласиз, яқинда Бразилияда Ўзбекистон Олимпиада йиллари старт олади. Бу мусобақани «Кичик Олимпиада» деб аташ муболага бўлмайди. Ажабмаски, бугунги беллашуларда куч синашаётганлар орасидан вақти келиб, Олимпиада ва жаҳон чемпионлари этилиши

чиқса, — деди мусобақанинг очилиш маросимида «Кўёшли» болалар соғломлаштириш оромгоҳи раҳбари Йўлчибой Раҳимжонов.
Мини-футбол, шахмат ва шашка, стол тенниси, волейбол, сузиш, енгил атлетика каби спорт турларини ўз ичига олган спартакиаданинг очилиш маросими зўр тантана билан ташкил этилди. Жажжи болажонларнинг кўшиқ ва рақслари, сахнавий кўринишлари йиғилганларда катта таассурот қолдирди.
— Бундай мусобақаларни аённавий тарзда ташкил этиб келяпмиз. 11 июлда Оқтош ҳудудида жойлашган 8 оромгоҳ иштирокида худди шундай баҳс уюштирилди. Унда 240 нафарга яқин болажон ўзаро куч синашди. Бугун эса «Кўёшли», «Чотқол», «Фазогир», «Конструктор», «Сокол» оромгоҳларида ҳордиқ чиқараётган 200 нафарга яқин

болажоннинг навбати. Эътибор қилган бўлсангиз, танлаб олинган спорт турларининг барчаси Ўзги Олимпияда йиллари таркибига киритилган. Бундан кўзлаган мақсадимиз эса, жаҳон ареналарида юртимиз шаънини муносиб ҳимоя қилаётган спортчиларимизга муносиб ўриндошларни болалигиданоқ тар-

— Болаларнинг ёзги дам олиш мавсумида кўнгилли ҳордиқ чиқаришлари учун барча шароит муҳайё. Оромгоҳ нафақат дам олиш, балки билим олиш маскани ҳамдир. Шу боис оромгоҳларда инглиз тили, «Моҳир кўллар», шахмат, шашка, информатика, расмчилик, тикувчиликни ўргатувчи ва бошқа тўғарақлар фаоли-



ўқув жараёнига мослашиб кетишлари муҳим масала. «Кўёшли» оромгоҳида бундай шароитларнинг яратилгани, ҳар бир имкониятдан оқилона фойдаланилаётгани таҳсинга лойиқ.

орти. Келгуси йил ҳам шундай спартакиадалар ташкил этилса, аини муддао бўларди, — дейди сузиш бўйича мусобақаларда иштирок этган Влада.

Бундай оромгоҳларро спартакиадалар болаларнинг сеvimли мусобақасига айланиб улгурганига гувоҳ бўлдик. Уларнинг бири бири билан дўстлашаётгани, ахилликнинг мустаҳкамланаётгани кишини қувонтиради.

Мусобақа натижаларига тўхталиб ўтирмаймиз. Зеро, бундай беллашуларда голиб ва мағлублар бўлмайди. Айниқса, болажонлар иштирок этган мусобақада.

Спартакиаданинг ёпилиш маросими қувноқ ва тантанали кайфиятда ўтди. Голиб ва совриндорларга, иштирокчиларга ташкилотчилар томонидан спорт кийимлари ва инвентарлари тақдим этилгани болажонларга, айниқса, ҳушнудлик улашди. Тантана куй ва кўшиқларга уланиб кетди.

Адхам АРСЛОНОВ,
«Ishonch» мухбири.
Муаллиф олган суратлар



биялаб, уларда мазкур спорт турларига бўлган қизиқиш ва иштиёқни камол топтириб боришди, — дейди Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Тошкент шаҳар филиали етакчи мутахассиси Махбуба Курбонова.

Спартакиадада куч синашган болажонларнинг иштиёқи ва интилишларини кўриб, бу гапларга амин бўлдик. Айниқса, футбол бўйича ўтган мусобақада жамоаларнинг катта тайёргарлик кўргани яққол сезилиб турди.

ти йўлга қўйилган. Ҳар бир оромгоҳда кутубхона фаолият олиб бормоқда. Бу ишларнинг энг яхши намуналарини эса «Кўёшли» оромгоҳида кўриб турибмиз, — деди бизга ҳамроҳ бўлган Тошкент шаҳар қасаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими етакчи мутахассиси Умид Иброҳимов.

Дарҳақиқат, ёз мавсумида мактаб ўқувчилари билим олишдан тўхтаб қолмасликлари зарур. Чунки, мактаб даври бошлангач, уларнинг



Шукрона

Мустақиллик шарофати билан миллий кадрларимиз, тарихимиз, динимиз тикланди. Қанчадан-қанча бўҳрон қатагонларни бошидан ўтказган халқимиз бугун кўксини кериб, тенглар ичида тенг бўлиб турибди. Фарзандлари соғлом, аёллари ардоқда, кексалари кадр топиб, эъзозланиб келаётган юртининг келажаги, албатта, порлоқ бўлади.

Қади ва қадр баланд Ватан

Нуроний онахон, кимё фанлари номзоди Мехри ая Нарзиева шулар ҳақида йўлаганда кўнгли фаҳрга тўлиб кетади. Илм-фан соҳасида кўп йиллар меҳнат қилган бу инсон кечати кун билан бугунимизни ҳар томонлама солиштири олади. Ҳаётимизда кечаётган ўзгаришлардан илҳомланади. Онахон шу ёшда ҳам тиниб-тинчиб ўтиришни истамай, ўсимликлардан олинган табиий маҳсулотлар ёрдамида табобат соҳасида қатор изланишлар олиб бораёпти. Аини пайтда «Гўзал» маҳалла фуқаролар йиғини раисининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси вазифасида фаолият кўрсатмоқда. Фарзандларини яхши тарбиялаб, эл-юрт хизматида топширган Мехри ая бугунги кунда набралари билан бир қаторда маҳалла ёшларига чинакам мураббийлик қилаёпти. Оилаларга кириб, у ердаги ижтимоий-маънавий муҳитни ўрганишда онахоннинг ўз услуби бор. Унинг меҳнатлари самараси ўлароқ, маҳаллада ажримлар сони кескин камаймоқда, коллеж битирувчиларининг асосий қисми иш билан таъминланди.

Мехри ая ўтмишни хотирлаб шундай дейди:
— Шафқатсиз қатагонларни бошидан ўтказган миллий ва диний қадриятларимиз, минг шукри, ўзимизга қайтди. Собиқ тузум даврида бугунги имкониятлар қаерда эди дейсиз. Рамазон амалларини яширинча бажаришга мажбур эдик. Маърака-маросимлар ҳам хуфёна ўтказиларди. Марҳумларимиз қабрини зиёрат қилиш эскилик сарқити сифатида қораланар эди. Мустақиллик шарофати билан диний амалларни бажариш учун юртимизда барча шароит яратилди. Минг-минглаб юртдошларимиз ҳар йили ҳаж зиёратига бориб келишаёпти... Барчаси эркин ва озод юртда яшаётганимизнинг ёрқин ифодасидир.
Ижтимоий ҳаётнинг қайси жабҳасига қараманг, ривожланиш, юксалишни кўрасиз. Истиқлол туфайли амалга оширилаётган ислохотлар ўз самарасини бермоқда. 25 йил мобайнида юртимиз ислохотларни кўлга киритди. Ўзбек диверини дунё тан олди. Бу кунларнинг қадрига етиш, шукронасини айтиш, она Ватанимизнинг тинчлигини асраб-авайлаш, буни фарзандларимиз онгу шуурига етказиш асосий вазифаларимиздан.

Катта ҳаёт тажрибасига эга онахоннинг пурмаъно фикрлари ҳар биримизнинг дилимиздан чуқур жой эгалласа, улғувор мақсадларимизни амалга оширишда бизга ҳеч нарса тўсиқ бўла олмайд.

Муқаддас **РАЗЗОҚОВА,**
«Ishonch» мухбири

Юрт тинч, кўнгил хотиржам бўлса



❧(1).
— Дарҳақиқат, жорий йил дам олувчилар орасида болали, туғиш ёшидаги аёллар сони сезиларли даражада кўпайди, — деди сўхатгоҳ Маънавият ва маърифат кенгаши масъул котиби Абдуваҳоб Тожиёв. — Умумий даволаш муолажаларига қўшимча равишда улар учун махсус жисмоний тарбия машқлари жорий этилган. Шунингдек, дам олувчи болалар ўртасида турли танловлар ташкил қилинмоқда. Мисол учун, «Истиқлол иншоотлари» мавзусида асфалтга рангли бўрлар билан расм чизиш танловида 20дан ортиқ она ва бола қатнашди. Болалар вилеяларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари тўғрисида ижод намуналарини тақдим этишди. Шунингдек, турли ташкилотлар билан ҳамкорликда шахмат, шашка, рақс, расм, шеърят ва бошқа танловлар ўтказиб боришмоқда.

Сўхат жараёнида дам олувчилар фикр-мулоҳазаларини билдириш билан бир қаторда, ўз иқтидорларини ҳам намойиш қилишди. Жумладан, тахририят билан ҳамкорликда ўтказилган шеърят танлови

голиби, Беруний туманидаги 40-мактабнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари Зайнабхон Сабурова «Юртим» деб аталган шеърини ўқиб берди:

*Истиқлол нурининг таратиб элга,
Кўп орзу-ниятлар солдинг сен дилга.
Қанчалар фахр этсам яна оз менга,
Юртим, камолингга кўялар тегмасин.*

*Бугун товларининг завоси бошқа,
Гулишлар анвоши, маъвоси бошқа.
Сайроқи булбуллар навоси бошқа,
Юртим, жамолингга кўялар тегмасин.*

*Далаларда ҳосил тўқандир бугун,
Дастурхонда ношинг бутундир бугун.
Меҳнаткаш деҳқонинг жўнқиндир бугун,
Юртим, хирмонингга кўялар тегмасин.*

*Жаннатим, пойингга фидо бўлсин жон,
Қанчалар ярашай сенга шараф-шон,
Ҳар қунинг тўй бўлсин, байрам ҳар бир он,
Юртим, тўйларингга кўялар тегмасин.*

Дам олувчи 80 ёшли Раънохон Бобохонованинг «Тановор» рақсига хиромии зўр олқишлар билан кутиб олинди. Онахон соғлом турмуш тарзини алқаб, доимий ҳаракатда, меҳнатда бўлиш, ижтимоий фаолиятнинг афзалликлари ҳақида тўлқинланиб сўзлаб берди. Жарқўргон туманилик София Нурматова доира чалиш маҳоратини намойиш этиб, ҳаммани қойил қолдирди. У 20 йилдан буён ҳар ёшда шу сўхатгоҳда дам олиш учун келиши, ўтган давр мобайнида ушбу масканда амалга оширилган ишлар, даволаш методикаси тўғрисида гапириб, Қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ҳамда сўхатгоҳ маъмуриятига миннатдорлик билдирди.

Таъбир жараёнида муштарийлар тахририят ходимларига ўз тақлифларини билдиришди. Хусусан, ўқувчиларнинг бадиий асарларга бўлган эҳтиёжини инобатга олиш, шунингдек, кўнгилочар мавзуларга эътиборни кучайтириш бўйича мулоҳазалар баён қилинди.

Шундан сўнг, дам олувчилар ўртасида ўтказилган танловлар голиблари тақдирланди. Жумладан, болалар ўртасида шашка бўйича мусобақада Амироҳон Эсонов, рақс мусобақасида Раънохон Бобохонова, жисмоний тарбия йўналишида Богдагул Шодиева, шахмат бўйича Исоқул Рахимов, болалар ўртасида ўтказилган расм чизиш бўйича мусобақада Дилдора Муҳиддинова голиб деб топилди, эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Таъбир якунида сўхатгоҳда дам олётган 90 ёшли Холида буви Зарипова сўзга чиқиб, бу каби тинчлик, озодлик, тўқчиликка шукроналар билдириб, юртимизнинг янада фаровон бўлиши учун ҳар бир фуқаро ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиши ҳам қарз, ҳам фарз экани тўғрисида тўлқинланиб гапирди.

Таъбир шўх кўшиқ ва рақсларга уланиб кетди.

Улғубек ИБОДИНОВ,
«Ishonch» мухбири.
Салим **АБДУРАҲМОНОВ**
олган суратлар.

Фестивал

«Чотқол» болалар соғломлаштириш оромгоҳида истиқлолнинг 25 йиллигига бағишлаб, «Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!» шиори остида фестивал ўтказилди.

Дўстлар «Чотқол» бағрида

Фестивал «Чотқол» ва ён-атрофдаги «Фазогир Гагарин» номидаги, «Конструктор», «Ёшлик», «Металлургия», «Нихол», «Кўёшли» каби бир қатор оромгоҳларда келган болажонларнинг гўзал куй-қўшиқ, мафтуноқ рақс ва шеърлари билан бошланди.

— Оромгоҳимизда болаларнинг мириқиб дам олиш учун барча шароит яратилган. «Инглиз тили», «Тўқш», «Моҳир кўллар», «Тасвирий санъат» каби бир-бирдан қизиқарли тўғарақлар фаолият юритмоқда. Шу билан бирга, «Маънавият ва маърифат» хонаси ва кутубхона болаларнинг сеvimли масканига айланган. «Ораста қизлар» тўғрагида кизлар билан турли мавзуларда сўхатлар, викториналар, кўриқ-

танловлар ўтказиб борилади, — дейди оромгоҳ раҳбари Эркин Деҳқонов. — Катта ва кичик сув ҳавзасида болалар маза қилиб чўмилмайтир. Уларнинг саломатлигини назорат қилиш мақсадида фаолият олиб бораётган тиббиёт хонасида юқори малакали шифокорлар хизмат кўрсатади. Бир қанча спорт турлари бўйича спартакиада мусобақалари ўтказилаёпти. Ёзувчи, шоирлар билан учрашувлар, «Мароқли ҳордиқ» катта кўнрақлар театри, «Цирк» томошалари уюштирилмоқда.

Таъбир оромгоҳининг ўттиз йиллигига бағишланган «Чотқол» дўстларни чорлайди» болалар ижодий фестивалига уланиб кетди.

— Исмиим Бахтиёр, — дей ўзини таништиради куй-қўшиқлардан зақв-шавққа тўлган болакай. — Бу ерда яратилган шарт-шароит туфайли уч йилдан бери ушбу оромгоҳга келаман.

Фестивалда иштирокчиларга эсдалик совғалари топширилди.

Ўз мухбиримиз

Кимё ва фармацевтика ходимлари қасаба уюшмаси Республика кенгаши «Вакцина» ИИЧБ, Шарқ таъботати Илмий текшириш институти раҳбари Баҳром Вафоқуллова фарзанди

БАХРИЛЛОНИНГ
бевақ вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

MUASSIS:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi
2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Bosh muharrir:
Jahongir Sharofboyev
Tahrir hay'ati:
Abdulaziz Abdullayev, To'liqin Teshaboyev, Eson Rajabov, Ulug'bek Jalimov, Farhod Xanapiyayev, Ravshan Bedilov, Asror Ishanxodiyev, Muhabbat O'rmonbekova, Oksana Belousova, Timur Mamajonov (bosh muharrir o'rinbosari), Akmal Toshev

BO'LIMLAR:
Kasaba uyushmalar hayoti — 256-87-63
Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43
Reklama va o'lonlar — 256-87-73

Manzillimiz:
100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Muallif fikri ta'hiriyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin.

HUUDUDLARDAGI MUXBIRLAR:
Qoraqalpog'iston Respublikasi — (+998-91) 268-92-32
Andijon — (+998-91) 475-23-60
Buxoro — (+998-93) 653-50-81
Jizzax — (+998-91) 943-67-44
Namangan — (+998-90) 260-50-77
Navoiy — (+998-93) 314-13-03
Samarqand — (+998-97) 915-50-87
Sirdaryo — (+998-90) 610-95-55
Surxondaryo — (+998-90) 910-54-05
Farg'ona — (+998-91) 141-27-70
Xorazm — (+998-90) 719-48-00
Qashqadaryo — (+998-91) 467-30-01

Navbatchi muharrir:
A.Abdullayev
Navbatchi:
N.Mahamov
Musahhirlar:
S.Shodiyeva
Sahifalovchi:
H.Abdullayev

Boshiga topshirish vaqi — 21:50
Topshirildi — 22:10
1 3 4 5 6

«Sharq» nashriyat-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshqaruvida chop etiladi.
Korxonasi manzili:
Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalovchi.
Gazeta ofset usulida, A2 formatida bosiladi.
Hajmi 2 bosma tabaq.
Buyurtma f — 715.
13951 nusxada bosiladi.
Nashr ko'rsatkichi: 133

Taxminiy xarab rakami:
2021 0000 0004 3052 7001,
ATIS «Inoteka bank» Yashobad filiali,
Bank kodlari: 00959, STIP: 201133889, OKONX: 87100